

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI



UMUMIY O'RTA MAXSUS TA'LIMDA XORIJIY TILLARNI O'QITISH: UZVIYLIK VA IZCHILLIK

**Respublika ilmiy-amaliy konferensiya
MATERIALLARI**

28-29-iyun, 2021-yil



ХОРИЖИЙ АДАБИЁТНИНГ МАКТАБ ФАНИ СИФАТИДА ЎРГАТИШНИНГ БАЎЗИ МАСАЛАЛАРИ

Н.Б.Акиндиқов
СамДЧТИ ўқитувчиси

Бадий адабиёт асрлар мобайнида ижтимоий тараққиёт давомида санъат ва фан соҳалари қаторида туриб, жамиятлар учун ўта муҳим аҳамият касб этиб келган. Хорижий адабиёт моҳиятан бир ижтимоий-сиёсий макондан бошқасига бирон бир миллатнинг маънавий эҳтиёжи ва тарихий тараққиёти зарурати сабаб кўчиб ўтиб, турли туман санъат оқимларининг пайдо бўлишига ва воқеланишига хизмат қилган ҳамда ўзининг бу қудрати шарофати билан долзарблигини ҳали ҳамон йўқотмаган. Пайдо бўлган янги санъат ва адабиёт намуналари инсонга янги ижтимоий реалликка сингиб кетишига ёрдам берган, зеро адабий-бадий ҳодисалар аксарият ҳолларда воқеликдан илдамлаб кетишган – биз эндиликда ҳам, минг йиллаб олдин ёзилган асарларни ўқиб, тарих ғилдираги айлана эканлигига, унинг такрорланувчан ҳаёт фалсафасида нарсалар кўп ҳам ўзгариб кетмаганлигига имон келтирамиз.

Бизнинг ўрта мактабларда хорижий адабиётни ўрганилишини Ёрб малакатлари, жумладан, рус адабиёти мисолида ҳам, тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотимиз мавзуси ўта долзарбдир. Зеро, чет эл адабиёти мавзуси жамиятимиздаги барча санъат

соҳаларига алоқадор бўлиб, биз миллий адабиётимиз, умуман кенг маънода санъатимиз тарихини, айниқса сўнгги юз йилликдаги адабий-маданий жараёни, хорижий адабиётсиз яхши англай олмаимиз. Шу сабабли мазкур ишимиз натижаларидан ўрта мактабларда фойдаланиш имкониятидан келиб чиқиб, мактаб ўқувчиларида жаҳон адабий жараёни тўғрисида, шу қаторида миллий ўзбек адабиётини ҳам камраган ҳолда, яхлит тасаввурларини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида мактаб таълимида хорижий адабиётнинг ўқитилишининг ўзига хосликларининг баъзи муҳим жиҳатларига тўхталишни мақсадга мувофиқ билдик. Бу мақсадга эришиш борасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим:

- мавзуга доир илмий адабиётлар билан танишиш, асосий тушунчаларга аниқлик киритиш;
- ўрта мактабда чет эл адабиётининг ўқитилиши борасидаги мавжуд ёндошувларни баён қилиш;
- хорижий муаллифлар ижодини ўрганишнинг ўзига хосликларини аниқ бир мисолда таҳлили қилиш ва ҳоказолар.

Адабиёт – ёш авлоднинг маънавий киёфаси ва аҳолий мезонларини шакллантиришга хизмат қилувчи базавий ўқув фанидир. Мактаб ўқувчисининг маънавий-руҳий ҳамда интеллектуал-эстетик камолотида, унинг борлиқни идрок этиши ва миллий ўзлигини англашида асосий вазифани бадий адабиёт бажаради; бусиз бутун миллатнинг маънавий тараққиёти тўхтайдди. Бадий адабиётнинг мактаб фани сифатида ўзига хослиги маданий ҳодиса сифатида адабиётнинг моҳияти билан белгиланади: бадий адабиёт борлиқни эстетик ўзлаштиради, инсон борлиқининг мавжуд бўлиги ва қилма-қиллигини бадий образлар воситасида ифодалайди. Унинг миллат ва башариятнинг эстетик қадриятларига ошно этиш борасидаги китобхонга таъсири бекиёсдир.

Юртимизда кечаётган кенг миқёсдаги туб ислохотлар, маориф соҳасидаги кескин ўзгаришлар замонавий ўзбек мактаби олдида турган долзарб масалаларни ва мактабдаги адабиёт таълимининг асосий вазифаларини белгилаб беради. Жумладан, мактаб адабиёт таълимининг ажралмас қисми бўлган хорижий адабиётни ўқитиш, айниқса, замонавий адабиётшунослиқда маданиятлараро коммуникациянинг фаоллашуви натижасида, янада долзарблик касб этмоқда. Бунда яна бир жиҳатни ёдда тутмоқ лозим: инсоният тамаддуни тараққиётининг муайян босқичи сифатида аҳолий мезонларнинг пайдо бўлиши замирида антик мифология ва бадий адабиёт ётганлиги бу фаннинг қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

Мактабда чет эл адабиётининг ўқитилиши кўп йиллик ва етарли даражада мураккаб шаклланган тарихга эга. Хорижий адабиёт таълими ўқувчиларда гуманитар билимларини ошириб, жаҳон адабиёти тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиради.

Хорижий адабиёт фанининг мактаб курси бадий ҳодисаларни тарихий-адабий, адабий-назарий ва культурологик ўрганиш аспектларини қамровчи комплекс ёндошув асосига қурилади. Бунда адабиётга сўз санъати сифатида ёндошув устиворлик қилади. Рус олимаси Н.П. Михальская бундай ёндошувнинг асосий вазифасини ёш болани бадий адабиёт оламига олиб киришни ҳал қилишдир, деб ҳисоблайди [1]. Ёш ўқувчининг самимий завқи ва қувончи эса қалаштирилиб ошириб юборилган даражадаги назарий материалларнинг эмас, балки бевосита матн билан муомалаага киришишнинг ҳосиласига айланмоғи лозим.

Аксарият Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар мактаб таълимида хорижий адабиётнинг ўқитилиши назарий-методологик ва шаклий-ташқилий жиҳатлардан ўхшаб кетади, жумладан бизнинг ўзбек мактабларимизда ҳам. Асосий фарқ ўрганиш объектларининг, яъни танланган жаҳон адабиёти намуналари ва муаллифларнинг айрича эканлигидадир.

Ўрта мактаб таълим тизимида жаҳон адабиёти намуналарини ўқитишнинг муҳим вазифаси дунё ижодкорлари асарларининг гуманистик табиатини ёритишдан иборат. Мактаб дастурида тақдим этилган турли давр ва мамлакатлар ижодкорларининг умумий ва хусусий жиҳатларини ёш ўқувчига англатиш, ўз даври билан алоқадорликни кўрсатиб бериш, адабиётлар тарихидаги изчиллик ва кетма-кетликни таъкидлаш, анъаналарга муносабатни ва уларнинг идрок этишини тушунтириш кабилар ўта муҳим ҳисобланади.

Амалдаги мактаб дастурларига 5-9 синф ўқувчилари идрок этиши мумкин бўлган мумтоз адабиёт намуналари киритилган. Ҳар қалай, мактаб дарсликларини тузувчилар шундай ҳисоблашишади. Чет эл адабиёти икки босқичда, 5 -7 синфларда ва 8-9 синфларда ўзлаштирилиши мўлжалланган. Ҳар босқичда тақдим этилаётган материалларнинг муайян хронологик кетма-кетлигига риоя қилиниши лозим – бу материаллар тузилиш шаклига таъсир кўрсатади. Амалда қадимги дунё адибларидан бошланадиган чет эл адабиёти дарслари замонавий адиблар ижоди билан туталланади. Аммо дарсликларни тузувчиларига бу хронологик кетма-кетлик борасида ҳам саволлар туғилади. Чунки баъзи синф дарсликларида мавзу ва жанрлар принципи устиворлик қилади [2].

Дарслар якунида миллий ўзбек адабиёти борасидага тушунчалар билан бир қаторда жаҳон адабиёти тўғрисидаги тушунчалар шакллантирилади. Зеро миллий адабиётимизнинг ўзига хослигини, миллий тақрорланмаслигини тушунтириш учун фақат бу тушунчаларни тақрорлаш етарли эмас. Бу маъно англаниши ва яққол ҳис этилиши учун ўқувчига бошқа миллат ва халқлар ёзувчилари ҳам борлигини, улар бошқача ижод қилишларини англатиш, ўзга мезонлар ва ижодий концепциялар мавжудлигини кўрсатиш ниҳоятда муҳим.

Адабий таълим олдида турган вазифалардан бири ёш ўқувчини бадий адабиётнинг санъат тури сифатида идрок этиш асносида бадий асар таҳлиliga ўргатиш ҳисобланади. Бироқ тажрибалар кўрсатдики, ўқувчи онгида назарий билимлар ва мутолаа ҳосиласи бўлган тажриба аксарият ҳолда бир-бири билан боғлиқ эмас. Хуллас, ўрта мактабдаги адабиёт таълими бадий матн билан ишлаш қобилиятига эга, филологик изланишларга қодир бўлган малакали китобхонни шакллантиришга йўналтирилмоғи лозим. Амалдаги ўқув дастурлари 5-9 синфларда ўтилган назарий-адабий тушунчаларни тақрорлашни, 10-11 синфларда ўтиладиган асосий мазмунни идрок этишга тайёрланишни, филологик таҳлил намуналари билан танишишини, бадий асарни далилланган эстетик баҳолашни ва бошқаларни ўрганишни назарда тутди. Мазкур дастурлар мазмуни, ўқитиладиган бадий матнларни ривожланган мамлакатлар мактаб адабий таълими дастурлари билан қиёсий планда ўрганиш, камчиликларни кўрсатиш ва тавсиялар бериш, адабиётшунослик фани олдидаги долзарб илмий масалалардандир.

Адабиётлар

1. Михальская Н.П. Зарубежная литература: Учебник-хрестоматия для 5-7 классов школ с углубленным изучением предметов гуманитарного цикла, гимназий и лицеев-Издательство «Дрофа», 2010.- 480 б.

2. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-мажмуа / Қ.Йўлдошев, Б.Қосимов, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков.-Т.: “Шарқ”, 2013.-368 б.